

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

493 Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган
банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага
ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
15 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-10*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ–391-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли химоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 16 мартдаги 7/2-сон қарори (рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 18-сон, 229-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 5 сентябрь,
24/3-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил
5 сентябрдаги 24/3-сонли қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк
ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги ва «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, банклар томонидан миллий ва чет эл валютасида банк ҳисобварақларини очиш, уларни қайта расмийлаштириш ҳамда ёпиш тартибини белгилайди.».

2. 5-банд ва 28-банднинг «г» кичик банди ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. 8-банднинг учинчи хатбошисидан «, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

4. 13-банд қуйидаги мазмундаги «д» кичик банд билан тўлдирилсин:

«д) давлат солиқ органларида ҳисобга қўйилганлигини тасдиқловчи ҳужжат (маълумотнома).».

5. 18-банднинг учинчи хатбошисидаги «(рўйхат рақами 2205, 2011 йил 4 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 9-сон, 97-модда)» деган сўзлар «(рўйхат рақами 2711, 2015 йил 26 август)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 35-банддаги «имзоланиб, муҳр қўйилади» деган сўзлар «имзоланади ва муҳрланади (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 36-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

«Мазкур банд талаблари банк миждозида мухр мавжуд бўлган тақдирдагина қўлланилади.».

8. 3-иловада:

номи «*» белгиси билан тўлдирилсин;

олд томони қуйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:

«* Ушбу варақчанинг мухр изига тегишли ўринлари банк миждозида мухр мавжуд бўлган тақдирдагина тўлдирилади.».